

УДК: 332.1 (575.1)

**Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич** – Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Малака ошириш факультети декани, и.ф.н., доцент.

**Қисқача аннотация.** Ушбу мақолада ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини аниқлашда фойдаланилаётган миллий ва ҳудудий бойлик таснифи очиб берилган. Миллий бойлик таркибига кирувчи активлар классификация назарий-услубий жихатдан ёритилган. Шунингдек, мақоладан асосий капиталдан фойдаланиш ва унга йўналтирилаётган инвестицияларнинг йиллар бўйича ва ҳудудий кесимдаги таҳлиллари ўрин олган.

**Таянч сўзлар.** Миллий даромад. Ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти. Миллий бойлик. Ҳудудий бойлик. Миллий бойлик таркибига киритилган активлар классификацияси. Миллий ҳисоблар тизими. Асосий капитал. Асосий капиталдан фойдаланиш. Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқарилиши. Асосий фондларнинг баланси. Ялпи ҳудудий маҳсулот. Асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар.

**Short abstract.** This article is devoted to the classification of national and regional wealth used in determining social and economic potential of the region. Classification of assets comprising the national welfare has been considered from the theoretical and methodological points of view. Moreover, the article represents the concept of the fixed assets and its methodological approaches as well as the author's interpretation of this definition.

**Keywords.** National income. Economic potential of regions. National welfare. Regional welfare. Classification of assets entered in the structure of the national welfare. System of national accounts. Fixed capital. Use of fixed capital. Reproduction of basic funds. Balance of basic funds. Gross regional product. Investments allocated to fixed capital.

## **Асосий капиталга йўналтирилаётган инвестициялар: ҳудудий ривожланишни таъминлашнинг асосий омили**

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашда ҳудудларнинг ўрни, у ерда амалга оширилаётган комплекс тадбирлар, тадбиркорлик учун яратилган шароитлар ҳамда рақобатбардошликни таъминлашга хизмат қиладиган институционал тузилмаларнинг ривожланганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг йилдан-йилга ошиб бориши иқтисодиётда банд аҳоли даромадининг ошишини, фирмалар фойдасининг ва давлат бюджетига тушаётган маблағларнинг кўпайишини таъминлайди. Даромаднинг кўпайиши, ўз навбатида, товар ва хизматларга бўлган талабнинг ўсишига хизмат қилади. Ҳудудларда яратилган бойлик мамлакат иқтисодиётининг ўсишига тўғридан-тўғри боғлиқлиги тадқиқотчи олимлар томонидан эконометрик таҳлиллар орқали исботлар берилган.

Шунинг учун ҳам ҳукуматнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратаётган иқтисодий сиёсати замирида мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш, аҳолининг фаровонлигини ошириш каби асосий мақсад ётади. Ҳудудларда мавжуд бўлган иқтисодий ресурсларнинг (ҳудудий бойлик) чекланганлиги туфайли ҳам ишлаб чиқариш имкониятларини оширишнинг энг самарали усули – ресурслардан оптимал фойдаланиш ва юқори технологияга асосланган қўшимча капитал ресурсларни сафарбар этишдан иборат.

**Асосий капиталдан фойдаланиш ва унга йўналтирилаётган инвестицияларнинг ҳудудий таҳлили.** Ўқув адабиётларида асосий воситаларни ҳисоблаш ва ундан фойдаланиш асносида яратилган маҳсулотлар ҳажми, унинг самарадорлиги каби бир қатор категориялар назарий-услубий жиҳатдан очиб берилган. Булар сирасига, “фонд қайтими”, “фонд билан қуролланганлик”, “фонд сиғими” ва бошқаларни келтириш мумкин.

Аммо бизнинг тадқиқотимиз марказида уларнинг ҳар бирига тўхталиб, унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш эмас, балки Миллий ҳисоблар тизими бўйича статистик ҳисоботларда ҳисоби юритилаётган ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига баҳо бериш, шунингдек ҳудудий бойликни аниқлашда зарур бўладиган ҳамда зарурий компонентлардан бири бўлган – асосий капитални (асосий фонд) ўрганиш муҳим. Шунинг учун кейинги ўринларда “асосий капитал” тушунчасини “асосий фонд” (АФ) ёки “асосий восита” ўрнида қўллаб баён этамиз.

Асосий капитал – бу миллий бойликнинг бир бўлаги бўлиб, инсонлар томонидан яратилган ва товар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида буюмлашган меҳнат сифатида фойдаланилаётган, ўзининг қийматини қатор йиллар давомида аста-секинлик билан маҳсулотнинг қийматига ўтказиб бораётган воситадир [1].

Асосий капитални ҳудудий жиҳатдан ўрганганда ва унинг ҳисоби юритилганда, ҳудуднинг географик, иқтисодий ва ижтимоий-демографик шароитлари инобатга олинади. Ҳудудларнинг жойлашуви, табиий шарт-шароитининг турличалигига кўра, асосий капиталдан фойдаланиш самадорлиги

ҳам ҳар-хил бўлади. Шунинг учун ҳудудлар кесимида 1 кв.км. ҳудудда 1000 кишига тўғри келадиган фонд билан таъминланганлик даражаси ҳисобланади, аммо ушбу кўрсаткич умумреспублика иқтисодийети учун ҳеч қандай аҳамият касб этмаслиги мумкин.

Қайд этиш лозимки, ҳудудий шарт-шароит, уларнинг табиий географик жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий инфраструктуранинг ривожланганлиги, урбанизация даражаси ва ижтимоий-демографик ҳолатдан келиб чиқиб, ҳудудларда яратилаётган ва, айнан, бир хил қувватга эга бўлган асосий фондларнинг қиймати турлича бўлиши мумкин. Ушбу омилларнинг таъсирида асосий фондлар қийматининг ўсиши юзага келади.

Ҳудудда мавжуд бўлган асосий фондларни ўрганиш, уларни назарий-услубий жиҳатдан таҳлил қилиш, унинг реал баҳосини ҳисоблаш ҳудуднинг иқтисодий ривожланишини прогноз қилишнинг асосий омилидир. Иқтисодий нуқтаи назардан ЯҲМнинг кўпайиши иқтисодий ресурсларнинг (ўзгарувчилар) сони ва сифатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳудудни ривожлантириш бўйича қабул қилинадиган дастурларда ҳудуднинг моддий имконияти: асосий фондларнинг ҳолати, меҳнат ресурсларининг малака ва билим даражаси, ҳам ашё ресурсларнинг ҳолати ва турли хилдаги бозор инфраструктурасининг ривожланганлигига урғу қаратилади.

Йил давомида товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган АФнинг ҳолати ва уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш учун йўналтирилаётган инвестициялар ЯҲМга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишини ёдда сақлаган ҳолда айтиш мумкинки, йил бошида асосий капиталга киритилган инвестициялар ЯҲМ га ўша йилнинг ўзида таъсир кўрсатмаслиги, балки маълум бир вақт ўтгандан сўнг таъсир кўрсатиши технологик, иқтисодий жиҳатдан исботланган.

Маълумотларга назар соладиган бўлсак (1-жадвал), 2015 йилда маъмурий ҳудудлар кесимида Қорақалпоғистон Республикасига киритилган инвестициялар ҳажми Тошкент шаҳридан сўнг энг юқори кўрсаткични намоён этган (14 фоиз). Бунда хорижий инвестициялар ва кредитларнинг улуши 48,9 фоизни ташкил этгани ҳолда энг юқори кўрсаткичлардан ҳисобланади. Ўз-ўзидан равшанки, жон бошига тўғри келган кредитлар ҳам ушбу ҳудудда энг юқори қийматни ҳосил қилган (3334,5 минг сўм). Буларнинг барчасини ҳудудда олиб борилаётган модернизация жараёнлари ва нефт-газ конларини ўзлаштириш ва углеводород ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий сиёсат билан изоҳлаш мумкин.

Бундай ҳолат Қашқадарё вилоятига ҳам тегишлидир. Чунки таҳлил этилаётган йилларда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар, жон бошига тўғри келадиган инвестициялар кўлами, хорижий инвестициялар ва кредитларнинг улуши ҳам ушбу вилоятда юқори бўлган.

Юқорида таъкидланганидек, Қорақалпоғистон Республикасида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар бошқа ҳудудларга қараганда энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлиб келаётган бўлсада, ЯИМда мазкур ҳудуднинг улуши 2013 ва 2015 йилларда энг паст кўрсаткичлардан бири сифатида намоён бўлган (3 фоизни ташкил этган).


ЯҲМ ва асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ҳудудлар кесими бўйича улуши<sup>1</sup>

| Ҳудудлар                        | ЯҲМ,<br>млрд.сўм | Асосий<br>капиталга<br>киритилган<br>инвест.,<br>млн.сўм | Жон бошига<br>инвест., минг<br>сўм | ЯҲМ,<br>млрд.<br>сўм | Асосий<br>капиталга<br>киритилган<br>инвест.,<br>млн.сўм | Жон бошига<br>инвест.,<br>минг сўм | ЯҲМ,<br>млрд.сўм | Асосий<br>капиталга<br>киритилган<br>инвест.,<br>млн.сўм | Жон бошига<br>инвест.,<br>минг сўм |
|---------------------------------|------------------|--|------------------------------------|----------------------|--|------------------------------------|------------------|--|------------------------------------|
|                                 | 2013             |  |                                    | 2014                 |  |                                    | 2015             |  |                                    |
| Ўзбекистон<br>Республикаси      | 7 334,6          | 28 694 635,9   | 948,8                              | 145 846,4            | 35233314,2   | 1 145,5                            | 171 369,0        | 41670469,5   | 1 331,4                            |
| Қарақалпоғистон<br>Республикаси | 6 384,4          | 2 361 946,5  | 1 370,0                            | 4 157,3              | 3917789,1  | 2 239,0                            | 4 485,9          | 5925659,1  | 3 334,5                            |
| Андижон                         | 7 334,6          | 1 287 827,8  | 463,1                              | 8 728,5              | 1423058,5  | 502,6                              | 10 676,0         | 1660967,7  | 575,9                              |
| Бухоро                          | 6 384,4          | 2 871 578,5  | 1 647,4                            | 7 701,6              | 3408334,6  | 1 924,6                            | 9 488,1          | 3866053,1  | 2 147,4                            |
| Жиззах                          | 2 930,3          | 1 012 723,1  | 832,9                              | 3 500,3              | 1038487,9  | 838,5                              | 3 897,1          | 1101084,8  | 871,7                              |
| Қашқадарё                       | 9 829,8          | 3 498 813,9  | 1 222,0                            | 11 470,7             | 4483189,2  | 1 531,6                            | 12 880,1         | 5590539,2  | 1 868,3                            |
| Навоий                          | 6 587,3          | 1 622 634,5  | 1 813,4                            | 7 931,3              | 1653042,9  | 1 822,1                            | 8 981,4          | 1685375,1  | 1 830,7                            |
| Наман                           | 5 156,4          | 1 059 344,3  | 426,9                              | 6 340,7              | 1618714,1  | 640,0                              | 7 154,0          | 1966428,1  | 762,5                              |
| Самарканд                       | 8 347,8          | 1 914 950,0  | 561,0                              | 10 278,8             | 2247785,5  | 645,9                              | 11 248,8         | 2854037,2  | 804,1                              |
| Сурхандарё                      | 5 493,6          | 1 246 795,0  | 545,8                              | 6 616,8              | 1339519,1  | 574,1                              | 7 163,5          | 1633432,4  | 684,9                              |
| Сирдарё                         | 2 524,1          | 804 742,4  | 1 062,9                            | 3 012,2              | 927177,7   | 1 203,5                            | 3 147,2          | 1000201,4  | 1 276,1                            |
| Тошкент                         | 12 413,3         | 2 982 863,0  | 1 100,4                            | 14 946,2             | 3741862,7  | 1 364,6                            | 16 558,6         | 4055732,4  | 1 460,9                            |
| Фарғона                         | 8 672,0          | 1 899 747,1  | 565,7                              | 10 706,6             | 1998400,5  | 585,1                              | 11 278,9         | 2132990,7  | 613,8                              |
| Хоразм                          | 4 129,6          | 1 148 528,3  | 688,2                              | 5 061,0              | 1466493,1  | 862,7                              | 5 692,6          | 1343373,4  | 776,0                              |
| Тошкент ш.                      | 17 254,5         | 4 977 092,9  | 2 120,7                            | 21 812,1             | 5969459,5  | 2 527,2                            | 26 648,7         | 6854594,7  | 2 877,4                            |

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ваҳоланки 2015 йилда Қорақалпоғистон Республикасида асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми ЯҲМнинг 132 фоизини ташкил этган.

Олимларнинг фикрига кўра бошқа омиллар ўзгармаган шароитда қайси бир минтақада асосий капиталга киритилган инвестициялар юқори бўлса, ўша минтақада ишлаб чиқариш ҳажми ҳам юқори бўлади [2]. Чунки капиталнинг захираси юқори бўлганлиги боис, омил унумдорлиги ошиб, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажми кўпаяди. Аммо иқтисодиётда шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, ҳаддан ташқари капитал захирасининг кўплиги, капитал омилининг унумдорлигини пасайтириб, пировардида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига салбий таъсир ҳам кўрсатади. Чунончи, капитал захирасининг кўпайиши билан бирга меҳнат ресурсларининг ҳам сифат кўрсаткичи параллел равишда юқори бўлиб бориши зарурий шарт ҳисобланади.



**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

### 1-расм. 2015 йилда мамлакат ҳудудларига киритилган инвестициялар (асосий капиталга) ва яратилган ЯҲМ ҳажми, млрд.сўмда

Буни Тошкент шаҳри мисолида кузатиш мумкин: 2015 йилда ва ундан олдинги йилларда ҳам ҳудудда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми ЯҲМнинг 25 фоизи атрофида бўлгани ҳолда, меҳнат унумдорлигининг юқорилиги боис, ҳудудда яратилган миллий бойлик ЯИМнинг 19 фоизини (энг юқори кўрсаткич) ташкил этган (1-расм).

Мавжуд статистик маълумотлар орқали қолган ҳудудларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2015 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ЯҲМга нисбатан Қашқадарё вилоятида - 43, Бухоро вилоятида - 40 ва Сирдарё вилоятида - 31 фоизни ташкил этган. Ушбу вилоятларнинг ЯИМдаги улуши мос равишда 9, 7, 2 фоизларни ташкил этган. Бу эса киритилган инвестициялар билан бирга бир йил давомида яратилган миллий бойлик

ўртасида унчалик ҳам юқори боғлиқлик мавжуд эмаслигидан далолат беради. Ушбулар боис, ҳудудларни комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқиляётганда барча омилларни ҳисобга олишни ва аниқ регрессион моделлар асосида оқилона иқтисодий қарорларни қабул қилишни тақазо этади.

**Хулоса ўрнида.** Мамлакат иқтисодиётини технологик жиҳатдан янгилаш ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, ялпи ички маҳсулотнинг энергия, материал сифимкорлигини қисқартириш, ишлаб чиқариляётган маҳсулотлар сифатини тубдан ошириш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга ўтказишнинг моддий асосларини яратиш имконини беради. Иқтисодиётни таркибан модернизация қилиш эса ёқилғи ва хомашё тармоқлари, ярим фабрикатларни ишлаб чиқаришни қисқартирган ҳолда юқори технологияни ўзида мужассамлаштирган тайёр маҳсулот улушини кўпайтириш имконини беради. Жумладан, экспорт таркибида хомашё, ёқилғи улушини қисқартирган ҳолда тайёр, инновацион маҳсулот ва хизматлар улушини мутаносиб равишда ошириш имконини беради. Натижада мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида “билимлар иқтисодиёти” улушининг ортишига ва миллий иқтисодиётни инновацион ривожланишига асосланган суръатларда тараққий этишига мустаҳкам асос яратилади.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, жамғариш нормаси билан иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасида кучли корреляцион боғланиш мавжуд. Умумий тарзда уларни куйидагича ифодалаш мумкин. Бошқа шароитлар ўзгармаган шароитда мамлакатда жамғариш нормаси қанчалик юқори бўлса, иқтисодий ўсиш суръатлари ҳам шунчалик юқори бўлади. Ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ишлаб чиқариш барқарор ўсишининг 2 фоизга ошиш ЯИМдаги жамғармалар улушининг бир фоизга кўпайишига олиб келади. ХВФ (Халқаро валюта фонди) мутахассисларининг тадқиқотларига кўра, ушбу нисбат ривожланаётган мамлакатларда 0,5 фоизни ташкил этади [2].

Шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлиги, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганлиги мамлакатда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик ғовлар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Зеро, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, республика ҳудудларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартириш ва

қўшимчалар киритилдики, бу ўз навбатида мамлакатимизнинг инвестицион жозибаторлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Юқорида билдирилган таҳлил ва мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш лозимки, модернизация қилиш жараёнлари кучаяётган бир шароитда давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли ораликдаги инвестицион стратегияси қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

– миллий иқтисодиётнинг юқори суръатдаги рақобатдошлигини таъминлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш;

– ҳудудий бойликни оширишда капитал ресурсларидан унумли фойдаланиш, омилларнинг чекли камайиб бориш қонунидан келиб чиқиб, иқтисодий ресурсларни мақбул нисбатда фойдаланиш бўйича моделларни ишлаб чиқиш;

– ҳудудларнинг бир маромда барқарор ривожланишини таъминлаш ва уларнинг бир текисда катта тафовутларсиз тараққий этишига хизмат қиладиган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш чораларини кўриш;

– иқтисодиётнинг импорт ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган, шунингдек, юқори қўшимча қиймат яратадиган етакчи устувор тармоқларини қўллаб-қувватлаш;

– минтақавий инфраструктура соҳасини ривожлантиришга қаратилган устувор инвестицион лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

– маҳаллий ва чет эл инвесторларининг инновацион-инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида инвестицион муҳит жозибаторлигини таъминлаш;

– юқори технологияларга асосланган ва юқори қўшимча қиймат яратадиган қўшма лойиҳаларни ташкил этишга хизмат қиладиган қулай бизнес-муҳитини яратиш;

– инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар кўламини ишлаб чиқиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Классификация активов, включаемых в состав национального богатства в соответствии с концепцией Системы национальных счетов. <http://www.grandars.ru/student/statistika/sostav-nacionalnogo-bogatstva.html>

2. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд. – СПб.: Питер, 2010. – 175 с.

3. “Миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами. – Т.: ТМИ, 2013, 6-б.